

ДАВЛАТ ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ХУҚУҚНИНГ ЎЗИГА ХОС СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Б.А.Сагатов

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг раиси

Инсоният тарихида XX ва XXI асрлар жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, товарлар, хизмат ва ишлар бозорининг кенгайиши, мамлакатлар ўртасида аҳоли миграциясини кучайиши каби объектив характердаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан алоҳида ажралиб туради. Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолаш, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериш, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлиш шартли кун тартибидаги масалалардан ҳисобланади. Шу муносабат билан мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни янада ривожлантириш йўлида унинг ҳуқуқий мезонлари устида тадқиқотлар олиб боришни тақазо қилмоқда. Шу боисдан мазкур маъқола орқали давлатнинг халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъектлилиқ ҳолатига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз.

Давлат халқаро ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокчиси бўлиш билан бир қаторда бошқа субъектлар сингари халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳам ўзига хос субъектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлатнинг хусусий муносабатлардаги иштироки унинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектлилигидан келиб чиқади.

Хар бир мустақил давлат халқаро ҳуқуқий муносабатларда иштирок этар экан унинг мустақил тенг субъектлиги унинг суверенитети билан белгиланади. Суверенитет юридик жиҳатдан умум эътироф этилган халқаро муносабатлар ва ўзаро алоқалар тизимида муҳим роль ўйнайди. Давлат ва унинг суверенитети ўзаро боғлиқ категориялардир, чунки, биринчидан, халқаро ҳамжамиятнинг асосий иштирокчилари бўлиб асосан суверен давлатлар ҳисобланади, иккинчидан, халқаро тартибот авваламбор давлатларнинг келишувига асосланади. Суверенитет давлатларнинг халқаро ҳуқуқий муносабат субъекти эканлигининг асосий пойдевори, кўрсаткичи демакдир. Мазкур ҳолатга кенгроқ ёндашадиган бўлсак, суверенитет тушунчаси кенг маънодаги тушунчадир. Суверенитет – бу ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллигини билдирувчи тушунчадир.

Давлат суверенитети – давлатнинг, балки давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва мустақиллигидир. “Давлат” ва унинг “ҳокимияти” турли категория ҳисобланади. Давлат суверенитети мамлакат ичкарисида ва ташқарисидаги давлатнинг фаолияти ёрдамида амалга оширилади. Давлат суверенитетининг ушбу икки жиҳати, яъни: давлат ҳокимиятининг мамлакат ичида устуворлиги; бошқа давлатларнинг суверен ҳуқуқлари ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ташқи алоқаларда мустақиллиги – яхлит ва ажралмасдир.

Давлат суверенитети халқаро ҳуқуқий ва ички аспектларига эгадир. Суверенитетнинг халқаро ҳуқуқий жиҳати шундан иборатки, халқаро ҳуқуқ ўзининг субъекти ва халқаро муносабатлар қатнашчиси сифатида давлат органлари ёки алоҳида мансабдор шахсларни эмас, балки давлатнинг ўзини

тан олади. Давлатнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан халқаро-хуқуқий аҳамиятга эга бўлган барча ҳаракатлари давлат томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

Суверенитетнинг ички жиҳати давлат ҳокимиятининг ҳудудида ва чет элда ҳудудий устуворлик ва сиёсий мустақилликни назарда тутди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат суверенитети ҳақида бир қанча қарашлар мавжуд. С.В.Черниченконинг фикрича давлат суверенитети – алоҳида ҳуқуқий тушунчадир деб кўрсатади. Давлат суверенитети – унинг шахсий ҳуқуқий ва сиёсий белгиси жамиятда ижтимоий тузилма сифатида ҳукмрон ташкилотдир. Давлат суверенитетини давлат байроғига таққослаб кўрсатади¹. Ушбу фикрдан келиб чиқиб, давлат суверенитетини иккита асосий ҳуқуқий белгисини кўрсатиш мумкин :

Биринчидан, муайян бир ҳудуд доирасида ягона ва юридик жиҳатдан чекланмаган давлат ҳокимиятини ўрнатиб, шу билан биргаликда барча шахслар ҳамда ташкилотлар учун умуммажбурий бўлган ҳуқуқий тартиботни қўллаш орқали давлат ҳокимиятининг устунлиги намоён бўлади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларда давлатнинг мустақиллиги унинг юридик ва сиёсий хусусиятлари ўзаро бир-биридан ажралмас эканлиги, мазкур давлатни ҳар қандай ташқи муносабатларда бошқа давлат ҳокимиятига тобе эмаслигини ифодалайди.

Суверенитет ҳақида Гегельнинг таъкидлашича, давлат суверенитети чексиздир, чунки давлатнинг ҳуқуқий тартиботини чеклашга қаратилган ундан юқори турувчи ҳуқуқий тартиботни тан олмайди. Шу билан

¹ Черниченко С.В. Государство как личность, субъект междунраодного права и носитель суверенитета// Российский ежегодник международного права, №2 (12), 2015. – С. 21.

биргаликда Гегель халқаро ҳуқуқ тушунчаси мавжудлигини рад этган, у бу тушунчани ташқи давлат ҳуқуқи, деб таъкидлаб ўтган². Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, бу назариялар капиталистик даврдаги давлатларга хосдир. Ҳозирги кунда эса “мутлоқ суверенитет мавжуд эмас”, балки амалиётда турли иқтисодий мақсадларни кўзлаган ҳолда суверенитетни чекланган турлари мавжуддир.

Н.А.Ушаков чекланган суверенитет принципига нисбатан ўз фикрини билдириб “Дарҳақиқат, фараз қилайлик, давлат мутлоқ суверенитетга эга. Бироқ у бошқа давлатлар билан турли хилдаги ҳуқуқий муносабатлар киришиши табиий, шу сабабли ҳозирги кунда ҳеч бир давлатнинг бошқа давлатлар билан ўзаро тенг манфаатли алоқалар ўрнатмаслигини тасаввур қилиш қийин”³ деб таъкидлайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқий доктринага биноан давлатни халқаро хусусий муносабатлардаги иштирокини алоҳида иккита гуруҳга ажратиш мумкин: суверен оммавий ҳокимият эгаси сифатида (*jure imperi*); хўжалик субъекти сифатида яъни хусусий ҳуқуқий аҳамиятга эга субъект сифатида (*jure gestions*).

Биринчи ҳолатдаги иштироки халқаро ҳуқуқий ҳарактерга эга бўлиб, халқаро ҳуқуқ субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) ўзаро алоқалари жараёнида юзага келадиган муносабатлардир. Ушбу муносабатлар оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Иккинчи ҳолатда ҳуқуқий муносабатларни давлатларнинг ўзаро алоқаларида, яъни чет эл хўжалик субъекти, чет эл юридик ва жисмоний

² Гегель Г.В. Философия права. –М.: 1990. С. 285 - 286.

³ Богуславский М.М. Иммуниет государства . – М.: Инфра-М, 2016. –С.10.

шахслари билан хусусий муносабатларга киришиши натижасида юзга келади⁷. Ушбу ҳолатда бир тарафда давлат турса, иккинчи тарафда фуқаролар ёки юридик шахслар бўлиши мумкин. Бу муносабатлар халқаро хусусий нормалар билан тартибга солинади ва улар тарафларнинг юридик тенглиги тамойили асосида фаолият олиб борадирлар (*jus privatum*).

Халқаро хусусий ҳуқуқда давлатнинг ҳуқуқий ҳолати юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан бирмунча фарқ қилади. Бундай фарқ, асосан, ушбу муносабатларда унга тегишли мол-мулкнинг ҳуқуқий режимида яққол намоён бўлади.

Профессор М.И.Брагинскийнинг фикрича, давлатнинг халқаро хусусий ҳуқуқдаги ўзига хос ҳуқуқий ҳолати, халқаро фуқаролик муомаласида тўғридан-тўғри халқаро оммавий ҳуқуқ принциpidан келиб чиқади,⁴ деб таъриф беради. Биз унбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳар бир мустақил давлат аввало халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши учун суверен тенг ҳуқуқга асосланиши лозим, деган хулосага келамиз.

Халқаро хусусий ҳуқуқда давлатнинг ҳуқуқий ҳолатига бир неча ҳуқуқшунос олимлар ўз илмий изланишларида турлича қарашлар билан ёндашишган. Ҳуқуқий адабиётларда шундай тушунча мавжудки, давлат ташқи иқтисодий муносабатларда қачон иштирок этишидан қатъий назар, у ўзининг ҳокимият ва суверенитет функциясини тўла тўқис сақлаб қолади, деб келтириб ўтилган. Бу борада Л.П.Ануфриева фикрига кўра, “давлат фуқаролик мажбуриятида иштирок эта туриб, ҳеч қачон оддий фуқаролик ҳуқуқи субъектига айланмайди. Чунки ўша вақтнинг ўзида у сиёсий

⁴ Брагинский М.И. Участие советского государства в гражданских правоотношениях. – М.: Юрлит, 1981. – С 167.

хокимият мақомини сақлаб қолади”⁵. Халқаро ташкилот ва давлатлар билан бўладиган муносабатда ҳамда чет эл ва юридик шахслар билан мулкӣ ва номулкӣ муносабатларида давлат хазина (фискал, ҳоқимият субъекти) ва сотиб олувчи (фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатлар субъекти) каби икки мустақил субъект сифатида эмас, балки ўзига тегишли бўлган суверен хусусиятларини йўқотмаган ҳолда ягона субъект сифатида иштирок этади.

Ушбу фикрларни давоми сифатида Н.А.Ушаковни фикрларни ҳам келтириб ўтиш мумкин. Давлатнинг ташқи муносабатлари империум кўринишида, яъни оммавий ҳоқимият эгаси сифатида иштирок этади. Давлат ягона ва бўлинмасдир, шу билан бир қаторда давлат ҳоқимияти ҳам⁶. Лекин, бу нуқтаи-назар ҳуқуқ фани бир ҳилда умумэътироф этилган эмас. Айрим олимлар юқорида келтирилганларга қўшилмасдан, мазкур фикрлар “горизонтал” характерга эга бўлган фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларнинг конститутив жиҳатларига мос келмайди, деб фикр билдиришади.

Бизга маълумки, фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар томонларнинг юридик тенглигига асосланиб, ўз эрк-иродалари билан хусусий муносабатларга киришади. Давлатни халқаро фуқаролик муомаласида субъект сифатидаги иштирокига халқаро оммавий ҳуқуқ принциплари, хусусан, давлатларни суверен тенглиги тамойили ҳам таъсир ўтказади. Ушбу тушунчалар БМТ Уставининг 1-2-моддаларида қисқача тарзда акс эттирилган. Ташкилотга аъзо барча давлатлар суверен тенглик тамойилига асосланишади. Халқаро ҳуқуқда давлат мустақил ва суверен субъект

⁵ Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. - М.: Спарк. 2002. -С.415.

⁶ Ушаков Н.А. Юрисдикционные иммунитеты государства и их собственности. - М.: Юрлит, 1993. - С.80.

сифатида иштирок этиши бошқа давлат билан халқаро муносабатда тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Давлат халқаро ҳуқуқда ҳар қандай давлат билан муносабатларда тенг, суверен ва мустақил тарзда иштирок этади. Давлатни суверен тенглик тушунчаси, давлатларни юридик тенглиги, мустақиллиги ва суверенитетини белгилайди. Давлат – суверенитети халқаро муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро ҳуқуқда барча давлатлар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўладилар.

Давлатларни суверен тенглиги кадимги римда машҳур формулаларда акс эттирилган яъни; “*par in parem non habet imperium*” - яъни тенглар тенглар устидан ҳумронлик қила олмайди, “*par in parem non habet iurisdictionem*” - тенглар тенглар устидан юрисдикциясига эга бўлмайди, “*par in parem non habet potestas*» - тенглар тенларга қарам эмас. Бизнинг фикримизча, давлат суверенитетини халқаро ҳуқуқ билан боғлаган, суверен давлат мамлакатни бошқаришда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиши керак. Давлатни халқаро хусусий ҳуқуқдаги ҳуқуқий ҳолати юридик ва жисмоний шахсларни ҳуқуқий ҳолатидан ажралиб туради, яъни мамлакатда ҳокимият эгаси ва бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ субъекти сифатида иштирок этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Черниченко С.В. Государство как личность, субъект междунраодного права и носитель суверенитета// Российский ежегодник международного права, №2 (12), 2015. – С. 21.
2. Гегель Г.В. Философия права. –М.: 1990. С. 285 - 286.

3. Богуславский М.М. Иммуниетет государства . – М.: Инфра-М, 2016. –С.10.
4. Брагинский М.И. Участие советского государства в гражданских првоотношениях. – М.: Юрлит, 1981. – С 167.
5. Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. - М.: Спарк. 2002. – С.415.
6. Ушаков Н.А. Юрисдикционные иммунитеты государства и их собственности. – М.: Юрлит, 1993. – С.80.